

БИЗНИНГ НОМЗОДГА ОВОЗ БЕРИНГ!

■ Бизнинг энг асосий ғоямиз — аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.



КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ УЧУН КУРАШАМИЗ

Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов қорақалпоғистонлик ва хоразмлик сайловчилар билан учрашди

Шу кунларда мамлакатимизда муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайловдди ташкилоти кизгин давом этмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари Президент сайлови, унинг аҳамияти ва мазмун-моҳиятига оид тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Барча ҳудудларда партиядан Президентликка номзод Хатамжон Кетмоновнинг сайловчилар билан учрашувлари юқори савияда ўтказилмоқда.

Номзодимизнинг қорақалпоғистонлик сайловчилар билан учрашуви ҳам самимий мулоқот руҳида ўтди.

Унда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш масалаларида фикр-мулоҳазалар билдирилди, номзоднинг дастури, унда илгари сурилган ғоя ва тақдирлар ҳар томонлама чуқур таҳлил этилди.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгашининг раиси, Президентликка номзоднинг ишончли вакили Халилла Ешимбетов сайловчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ишончли вакил номзоднинг дастури партияимиз дастурига ҳамоханлиги, унда электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳаётий тақдирлар илгари сурилганини қайд этди.

Шундан сўнг сўз Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмоновга берилди.

Номзод дастлаб Қорақалпоғистон диёрининг салоҳияти ва қорақалпоқ халқининг меҳнатсеварлигига юксак баҳо берди. Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикасида Марказий Осиёда ягона, саҳро бағридаги мўъжиза — Кўнғирот сода заводи, Хўжайли шимша заводи, «Марказий Осиё безак тошлари» кўшма корхонаси, Кўнғирот карбид, Нукус мармар ва кабель заводлари каби кўпқабл замонавий ишлаб чиқариш объектиларини ишга туширилганини, буларнинг барчаси аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлганини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда Нукус шаҳридан бошлаб, туманлар марказлари, шаҳар ва қишлоқлар, ҳатто чекка овулларда катта янгиланиш ва ўзгаришлар бўй кўрсатмоқда. Бундай улкан бунёдкорликларда келажакка ишонч билан яшаётган Қорақалпоғистон ахлининг буюк хиссаси борлиги эътироф этилди. Президентликка номзод ҳар бир масалага жонқуярлик билан ёндашадиган қорақалпоғистонликлар олдимизда турган сайлов жараёнларида ҳам юксак даражада фаоллик кўрсатишига ишонч билдирди.

Учрашувда номзод ўз Сайловолди дастури билан йиғилганларни таништиради экан, унда, аввало, мамлакатимиз мустақиллигини асраш ва мустаҳкамлаш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган эзгу мақсадлар муҳимлигини тилга олди.

— Биз учун асосий устувор йўналиш, авваламбор, аҳолининг давлат

ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади, — дея таъкидлади Хатамжон Кетмонов. — Бу мақсадни самарали амалга ошириш учун долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш, турмуш даражасини яхшилашнинг энг муҳим шарти бандлиқни таъминлашдир. Бунинг учун меҳнатга лаёқатли кишиларнинг муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларига эга бўлиши, фуқароларнинг шахсий ташаббускорлиги ва ишбилармонлиги қўллаб-қувватланиши ва рағбатлантирилиши зарур, деб биламиз.

Ишли, турмуш даражаси юқори бўлган одам оиласидан, эртасидан кўнгли тўқ яшайди. Шундан келиб чиқиб, биз бу борада долзарб масалаларни илгари сурдик. Хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг яқка тартибдаги меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш учун мақбул шароитлар яратиш мақсадида имтиёзли микрокредитлар ажратиш амалиётини кенгайтириш тарафдоримиз. Ўз бизнесини очишда белгиланган йиғимлардан, фаолиятини тўлиқ йўлга қўйгунга қадар солиқлардан озод қилиш муддатини узайтириш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз. Бу масалалар коллеж битирувчиларининг ҳаётда ўз ўрнини топиши, оиласи олдига масъулиятни ҳис қилиб, меҳнатга нисбатан қизиқиши ортишида муҳим аҳамият касб этади.

Учрашувда сўзга чиққанлар номзод дастурида белгиланган вазифалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Ҳақиқатан ҳам, аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш турмуш фаровонлиги оширишда катта аҳамиятга эга, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгасидидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари, Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали директори Елмурат Турениязов. — Шу маънода Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов дастурида илгари сурилаган хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юри-таётган корхона ва ташкилотларда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича саяё-хара-катларни фаоллаштириш ғояси менга маъқул келди. Чунки мазкур

соҳаларни ривожлантириш орқали иш ўринлари очил, одамларга муносиб турмуш шароитини яратиш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш қафолати мустаҳкамланади.

— Номзод дастурида илгари сурилган ғоялар мамлакат тараққиёти, халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилади, деб ўйлайман, — деди Қорақалпоғистон Республикаси Маънавият-тарғибот маркази раҳбари, «Қарақалпоқстан ҳаёзаси» газетаси бош муҳаррири Шарапатдин Аянов. — Дастур партияимиз аъзолари қўллаб-қувватлаётган ғоялар билан муштарақдир. Номзоднинг таълим ва соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ, уй-ҳой ва коммунал хизматлар кўрсатиш тизимини янада ислоҳ этиш, таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш самарадорлигини оширишга қаратилган ташаббуслари ҳаётимизда кузатилаётган айрим масалаларни самарали ҳал қилишда муҳим ўрин тутушига ишонч билдиришди.

Учрашувда, шунингдек, Бердак номидаги қорақалпоқ давлат университети магистри, Президент стипендияси соҳибига Гулжаҳон Сейтназарова, Хўжайли туманидаги 70-умумтаълим мактаби директори, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Айларгул Оримбаева ва Бердак номидаги қорақалпоқ давлат университети магистри Отабай Кенгесбаевлар ҳам номзод дастурининг аҳамиятини жиҳатлари ҳақида ўз мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Учрашувда давомиди Президентликка номзод Сайловолди дастуридаги пенсия таъминотини такомиллаштириш, коммунал хизматлар тарифларини мақбуллаштириш, тиббий хизмат сифатини юксалтириш ва касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Президентликка номзод Хатамжон Кетмоновнинг Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашуви ҳам фикр-мулоҳазаларига бери тарзда ўтди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган учрашувда вилоятнинг шаҳар ва туманларидан уч мингга яқин сайловчи камраб олинди. Тадбирни халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Отабай Раҳимов қириш сўзи билан очди.

Номзоднинг ишончли вакили Раимберган Сабуров йиғилганларни

Президентликка номзод Хатамжон Кетмоновнинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Шундан сўнг номзод қадим тарихга эга, жаҳон тамаддуни бешикларидан бири бўлмиш Хоразм диёри тарихи, бу заминда яшаб ўтган улуг сиймолар ҳақида сўз юритди. Буларнинг барчаси Хоразм элининг бугунги тараққиёти ва улуглигининг асосий омил ва мустаҳкам замини эканини алоҳида таъкидлади. Ўз она юртининг келажакга дахлдор ҳар бир масалага фидойилик билан ёндашадиган Хоразм аҳли Президент сайловида ҳам юксак фуқаролик масъулиятини намоян этишига ишонч билдирди.

Номзод Сайловолди дастурининг асосий йўналишлари билан йиғилганларни таништиради экан, дастурда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатларини муҳофаза қилиш бўйича қатор масалалар илгари сурилаганини таъкидлади.

— Ўзбекистон Республикаси Президент сайлови мамлакатимизда демократик ислохотлар янада чуқурлашадиган, фуқаролик жамиятини ривожлантириш янги босқичга кўтарилаётган ўта масъулиятли даврда бўлиб ўтмоқда, — дейди Хатамжон Кетмонов. — Партияимиз бу сайловда Ўзбекистон танлаган йўлни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган ҳолда, ўзининг стратегик мақсадларини амалга оширишнинг қўллаб-қувватлаш этиши муҳим вазифа, деб ҳисоблайди.

Бизнинг энг асосий ғоямиз — аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Бунда уларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Фикримизча, кадрлар тайёрлаш учун олий ўқув юрлари талабаларининг таълим шартномалари тўловларини тўлаётган корхоналар ва ташкилотларни рағбатлантириш амалиётини такомиллаштириш зарур, деб биламиз.

Президентликка номзод ўз Сайловолди дастурида илгари сурилган тақдир ва ташаббуслар ва уларнинг аҳамияти ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Учрашувда номзоднинг Сайловолди дастури бўйича иштирокчилар сўзга чиқди.

Ноҳира ОДАМБОВА, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати:

— Номзодимиз дастурида кам таъминланган аҳоли қатламини

манзилли ва тизимли ижтимоий ҳимоя қилишга кенг ўрин берилгани, айниқса, хотин-қизларимиз бандлигига асосий эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Уй меҳнати, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш, соҳага оид қонун ҳужжатларига тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритиш бўйича илгари сурилаган тақдирлар жуда долзарбдир.

Биламизки, қўлидан иш келадиган, ўз ишини бошлаш истагида юрган хотин-қизлар талайгина. Уларга озгина кўмак зарур, холос. Номзод тақдир эътибори ташаббуслар опа-сингилларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутди.

Ойбек РАХИМОВ, «Халқ сўгурта» сўгурта компанияси Хоразм вилоят филиали директори:

— Давлатимиз ва кенг жамоатчилик томонидан эҳтиёжманд аҳоли қатлами кўли ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим масала. Аҳоли сало-матлиги муҳофазасини таъминлаш ҳам номзод дастурида асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Хатамжон Кетмонов олис қишлоқ ҳудудларида бирламчи тиббий ёрдамдан қулай ва тез фойдаланиш имкониятини таъминловчи қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Чиндан ҳам, айрим ҳудудлар туман тиббиёт муассасаларидан анча йироқ. Бу, албатта, аҳолига қийинчилик туғдиради. Қишлоқ врачлик пунктларининг зарур тиббий асбоб-ускуналар, малакали мутахассислар билан таъминланиши бу борадаги муаммолар бартараф этилишига хизмат қилади, деб ўйлайман.

Расулбек ХОЖИЕВ, Урганч давлат университети талабаси:

— Касб-хунар коллежлари, олийгоҳларни тугатган айрим ёш кадрлар эгаллаган мутахассислигига мос иш тополмаётгани ёки оилик маоши кам ташкилотларда ишлаггани бор гап. Ўқиш учун шартнома пулини тўлашга қийналаётган кам даромадли оилалар фарзандлари ҳам йўқ эмас. Бундай талабаларнинг шартнома пуллари тўлаётган корхоналарни рағбатлантириш масаласи номзодимиз Сайловолди дастуридан ўрин олгани эътиборга лойик. Бу масалалар қонун ҳужжатларида акс этса, олийгоҳларда ўқиш истагидаги ёшларга янада яхши имконият қаратилган бўларди. Шу боис Хатамжон Кетмоновнинг ғояларини фаол қўллаб-қувватлайман.

Сўзга чиққанлар сайловчиларни Президент сайловида Хатамжон Кетмоновга овоз беришга чақирди. Учрашувда сайловчилар вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга номзоддан батафсил жавоб қилишди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Президентликка номзод Хатамжон Кетмоновга овоз беринг!

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, Рўзимбой ХАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

ДАВРА СУҲБАТИ

ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

масалалари муҳокама
этилди

Матбуот ва ахборот агентлиги мажлислар залида Журналистлар ижодий уюшмаси қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ва амалиёт: оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш истиқболлари» мавзусида дав-ра суҳбати ўтказди.

Унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назорати самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида фикр алмашилди. Ютуқ ва камчиликлар таҳлил этилди.

— Мамлакатимизда ахборот эркинлиги ҳамда ислохотларнинг очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилиб келинмоқда, — дейди Электрон ҳукумати ривожлантириш маркази қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўлими бошлиги Дилбар Холиқова. — Хусусан, соҳага оид мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди.

Яқинда қабул қилинган «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги қонун бу борала яна бир муҳим қадам бўлди. Унда белгиланган меъёrlар жамиятнинг демократлаштириш янада жадаллаштириш, фуқароларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнига фаол жалб этиш, замонавий электрон хизматлардан фойдаланиш тизимларини ривожлантиришга кенг шароит яратилди.

Айтиш кераки, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Бугунги кунда мазкур ҳужжат давлат ва жамоатчилик ишларини бошқариш жараёнига фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиш, шу орқали давлат органлари фаолиятининг очиклиги ҳамда самарадорлик даражасини ошириш, бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг кенг иштирокини таъминлашга хизмат қилмоқда. Демократик ислохотларнинг ҳозирги босқичи соҳадаги ишларни янада такомиллаштиришнинг талаб этмоқда. Яқинда қабул қилинган «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги қонун бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Унда белгиланган меъёrlар жамиятнинг демократлаштириш янада жадаллаштириш, фуқароларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнига фаол жалб этиш, замонавий электрон хизматлардан фойдаланиш тизимларини ривожлантиришга кенг шароит яратди.

Тадбирда, шунингдек, очиклик ва ошқораликни таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг ахборот хизматларининг фаолиятини кучайтириш масалалари атрофича муҳокама этилди.

Давра суҳбатидида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзолари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари раҳбарлари, журналистлар ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Гулрух ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

4 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ КУНИ

■ «Аҳоли бандлиги — ижтимоий ҳимоянинг энг
мақбул йўли!»



ХАТАМЖОН КЕТМОНОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!



КЕКСАЛАРИМИЗНИНГ ФАРОВОН ҲАЁТИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ!

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

«Toshkent universal AUCTIONS savdo» МЧЖ томонидан 2016 йил 13 октябрь куни ўтказилган тўғридан-тўғри музокара-ларда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг «TOSHKENT QOQ'OZI» МЧЖ устав фондидаги 100 фонз улуши 29 198 000 000 сўмга ҳамда 2016 йил 20 октябрь куни

ўтказилган аукцион савдоси натижаларига кўра, «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК Тошкент филиали балансидаги Ҳазратлар ТК боғ-ламасига бириктирилган, давлат рақами 10/949SAA бўлган «ГАЗ-5312» 6 700 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Гувоҳнома № 005357

Вниманию потребителей услуг ГУП «TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»!

ГУП «Toshkent xalqaro aeroporti» сообщает, что в связи с ростом затрат с 1 декабря 2016 года устанавливаются новые тарифы на нижеследующие услуги

Наименование услуги	Ед. измер.	Тариф с учетом НДС (сум.)
Услуга по эксплуатации инженерных сетей холодного водоснабжения	м³	208
Услуга по эксплуатации инженерных сетей горячего водоснабжения, отопления	Гкал	36 836
Услуга по эксплуатации инженерных сетей отвода сточных вод	м³	124
Услуга по эксплуатации инженерных сетей при транспортировке электрической энергии	кВт-ч	143

Услуги лицензированы

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Навоий вилоят кенгаши вилоят партия ташкилоти раиси ўринбосари Орифжон Тошоновга волидаи муҳтарамаси
Рисолат ТОШОНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«O'zgzloyiha» масъулияти чекланган жамияти жамоаси меҳнат фахрийси **Маъсудхожи ШУКУРЖОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонаси огоҳлантиради:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узок масофали радиоузаитиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузаитгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», телефон: 202-61-71, 230-61-13.
Анжигон шаҳри, Чўлпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хона, телефон: 230-64-65.
Бухоро шаҳри, академик И. Муминоў кўчаси, 2-уй, телефон: 230-64-66.
Жиззах шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АТС-4 биноси, телефон: 230-64-68.
Нукус шаҳри, Ерназар Алақоз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: 230-64-75.
Қарши шаҳри, 2-микрорайон, 43-уй, 62-хона, телефон: 230-64-78.
Навоий шаҳри, Амир Тему́р кўчаси, 4-уй, 802-хона, телефон: 230-64-69.

Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: 230-64-72.
Самарқанд тумани, Урташиқ қишлоғи, Радио шаҳарча, тел: 230-64-80.
Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: 230-64-79.
Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: 230-64-67.
Фарғона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 37-«Г» уй, 36-хона, телефон: 230-64-74.
Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона телефон: 230-64-77.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV Muslihidin **Farrux HAMROYEV**
Ulug'bek VAFOYEV MUHIDDINOV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV Ochilboy RAMATOV Tat'yana KISTANOVA
Saidkamol XODJAYEV Saidahmad RAHIMOV (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1159
9848
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20:50
Topshirilgan vaqti — 22:55

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Abdusalim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 6